

**“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти Ягона акциядорининг
6 - сонли қарори**

2022 йил 13 декабрь

Тошкент шаҳри

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан куйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ устав капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали кўпайтириш тўғрисида.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш тўғрисида

Қун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Энергетика Вазирлиги ҳузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарорининг 8-бандига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги ташкилотларни ушбу жамиятнинг ҳудудий филиаллари этиб қайта ташкил этиш белгиланган.

Ўз навбатида ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ нинг ҳудудий функционал филиалларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда айлантириш учун, аввалом бор, мазкур корхоналарни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ га қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилиши ва шундан сўнг қўшиб олинган корхоналар негизида функционал филиалларни ташкил этилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 94-моддасига биноан қўшиб олинаётган жамият ва қўшиб олаётган шахснинг ваколатли органи қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва қўшиб олиш шартномасини, топшириш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалларни қўшиб олишда иштирок этаётган ўз жамияти акциядорларининг умумий йиғилишига ҳал қилиш учун олиб чиқади. Қўшиб олиш шартномасида қўшиб олиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 3-30 июн кунларида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги барча 14 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилиб, мазкур йиғилишлар натижаларига кўра 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида (“Бухоро ҲЭТК” АЖ ва “Фарғона ҲЭТК” АЖлардан ташқари) жамиятларни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этиш масаласи бўйича ижобий қарорлар қабул қилинган.

Шу билан бирга “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядорининг 2022 йил 29 августдаги 4-сонли қарори билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ҳудудий функционал филиалларига айлантириш мақсадида ушбу корхоналарни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш йўли билан Жамиятни қайта ташкил этиш масаласи тасдиқланган ва қўшиб олинаётган акциядорлик жамиятларининг имтиёзли акцияларини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг имтиёзли акцияларига айирбошлаш (конвертация қилиш) ҳамда Давлат инвестиция дастурлари асосида “Hududiy elektr

tarmoqlari" AJга юклатилган стратегик вазифаларни инобатга олган ҳолда ушбу Жамиятда барча оддий овоз берувчи акцияларнинг давлат тасарруфида сақлаб қолиниши белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, "Hududiy elektr tarmoqlari" AJ ҳамда ушбу Жамиятга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналари акциядорларининг умумий йиғилишларида Қўшиб олиш шартномаси тасдиқланган бўлиб, ушбу шартномада қўшиб олинаётган жамиятларнинг имтиёзли акцияларини "Hududiy elektr tarmoqlari" AJнинг имтиёзли акцияларига айрибошлаш (конвертация қилиш) тартиби ва шартлари белгилаб кетилган.

Бундан ташқари 2022 йилнинг 12 октябрида "Hududiy elektr tarmoqlari" AJ ҳамда ушбу Жамиятга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ("Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" AJ, "Toshkent HETK" AJ, "QQ HETK" AJ, "XORAZM HET" AJ, "Navoiy HETK" AJ, "Samarqand HETK" AJ, "Jizzax HETK" AJ, "Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari" AJ, "Surhondaryo hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" AJ, "SIRDARYO HETK" AJ, "Andijon HETK" AJ ва "Namangan HETK" AJ) акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши ўтказилиб, унда "Hududiy elektr tarmoqlari" AJнинг янги тахрирдаги Устави тасдиқланган. Яъни ҳозирги кунга келиб "Hududiy elektr tarmoqlari" AJга 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини қўшиб олиниши учун амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган барча зарур тадбирлар амалга оширилган.

Шу муносабат билан "Hududiy elektr tarmoqlari" AJга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг имтиёзли акциялари эгаларига умумий қиймати 2 589 750 500 сўмлик жами 25 897 505 дона имтиёзли акцияларни чиқариб берилиши ва шу йўли билан "Hududiy elektr tarmoqlari" AJнинг устав фондини ошириш зарур ҳисобланади.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарори ижросини ва "Hududiy elektr tarmoqlari" AJга 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини қўшиб олиш шартномаси шартларини бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ "Hududiy elektr tarmoqlari" AJнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1.1. "Hududiy elektr tarmoqlari" AJнинг устав капитали номинал қиймати 100 сўм бўлган 25 897 505 дона қўшимча имтиёзли акцияларни жойлаштириш йўли билан 2 589 750 500 сўмга кўпайтирилсин.

1.2. "Hududiy elektr tarmoqlari" AJ томонидан умумий қиймати 2 589 750 500 (икки миллиард беш юз саксон тўққиз миллион етти юз эллик минг беш юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик қўшимча 25 897 505 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияларнинг чиқарилиши қуйидаги шартларда ва тартибда амалга оширилсин:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули - Ушбу чиқарилишдаги акциялар "Hududiy elektr tarmoqlari" AJга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг ("Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" AJ, "Toshkent HETK" AJ, "QQ HETK" AJ, "XORAZM HET" AJ, "Navoiy HETK" AJ, "Samarqand HETK" AJ, "Jizzax HETK" AJ, "Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari" AJ, "Surhondaryo hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" AJ, "SIRDARYO HETK" AJ, "Andijon HETK" AJ ва "Namangan HETK" AJ) мазкур қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан сўнгги бешинчи кун ҳолатидаги фақатгина имтиёзли акциялари эгаларига тегишли бўлган имтиёзли акциялар ўрнига ушбу корхоналарни "Hududiy elektr tarmoqlari" AJга Қўшиб олиш

шартномасида белгиланган айрибошлаш (конвертация қилиш) тартиби, шартлари ва коэффициентлари асосида, яъни “Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 дона имтиёзли акциясини, “Toshkent НЕТК” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 дона имтиёзли акциясини, “QQ НЕТК” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “XORAZM НЕТ” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 дона имтиёзли акциясини, “Navoiy НЕТК” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 дона имтиёзли акциясини, “Samarqand НЕТК” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “Jizzax НЕТК” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “Surhondaryo hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “SIRDARYO НЕТК” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 11 дона имтиёзли акцияларини, “Andijon НЕТК” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 50 дона имтиёзли акцияларини, “Namangan НЕТК” АЈнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини чиқариб бериш йўли билан ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади;

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати - Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан амалга оширилади;

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси - Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган сана;

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси - Ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлаштирилган сана, лекин ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 15 кундан ошмаслиги лозим;

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришнинг тартиби - Ушбу чиқарилишдаги акциялар “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналари акциядорларининг мазкур кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан сўнгги бешинчи кун ҳолатидаги фақатгина имтиёзли акциялари эгаларига ушбу корхоналарни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЈга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини қўшиб олиш шартномасида белгиланган айрибошлаш (конвертация қилиш) тартиби, шартлари ва коэффициентлари асосида ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади ва ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида акцияларни олди-сотди битимлари тузилмасдан амалга оширилади;

Ушбу чикарилишдаги акцияларни жойлаштириш баҳоси - Ушбу чикарилишдаги акциялар номинал қийматда, яъни 100 (юз) сўмдан жойлаштирилади;

Ушбу чикарилишдаги акциялар учун тўлов - Ушбу чикарилишдаги акциялар “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг (“Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi” АЖ, “Toshkent НЕТК” АЖ, “QQ НЕТК” АЖ, “XORAZM НЕТ” АЖ, “Navoiy НЕТК” АЖ, “Samarqand НЕТК” АЖ, “Jizzax НЕТК” АЖ, “Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari” АЖ, “Surhondaryo hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” АЖ, “SIRDARYO НЕТК” АЖ, “Andijon НЕТК” АЖ ва “Namangan НЕТК” АЖ) мазкур қўшимча акциялар чикарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан сўнгги бешинчи кун ҳолатидаги фақатгина имтиёзли акциялари эгаларига тегишли бўлган имтиёзли акциялар ўрнига ушбу корхоналарни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш шартномасида белгиланган айрибошлаш (конвертация қилиш) тартиби, шартлари ва коэффициентлари асосида, яъни “Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 дона имтиёзли акциясини, “Toshkent НЕТК” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 дона имтиёзли акциясини, “QQ НЕТК” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “XORAZM НЕТ” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 дона имтиёзли акциясини, “Navoiy НЕТК” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 дона имтиёзли акциясини, “Samarqand НЕТК” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “Jizzax НЕТК” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “Surhondaryo hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини, “SIRDARYO НЕТК” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 11 дона имтиёзли акцияларини, “Andijon НЕТК” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 50 дона имтиёзли акцияларини, “Namangan НЕТК” АЖнинг хар 1 дона жойлаштирилган имтиёзли акцияси ўрнига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг номинал қиймати 100 сўм бўлган 10 дона имтиёзли акцияларини чикариб бериш ҳисобига амалга оширилади;

Ушбу акциялар чикарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши - Акциялар чикарилиши умумий ҳажмининг 100 фоизидан кам қисми жойлаштирилган тақдирда акциялар чикарилиши амалга ошмаган деб ҳисобланади;

Ушбу акциялар чикарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби - Ушбу акциялар чикарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда шу кундан эътиборан 10 кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар жамият томонидан белгиланган тартибда қайтарилади.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Hududiy elektr tarmoqlari” AJning қўшимча акцияларининг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун жамиятнинг акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқлаш лозим.

Шу сабабли “Hududiy elektr tarmoqlari” AJning қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари (рўйхат рақами 2000-сонли, 2009 йил 30 августда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” AJning Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” AJning қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” AJ бошқарув раиси У.М.Мустафоевга Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
биринчи ўринбосари**



О.Насритдинходжаев

